Гос. книжная палата УзССР

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳарбий харажатлар учун 268 миллиард доллар ажратиш ҳақидаги қонун лойиҳасига имзо чекди.

* * *

☑ Сомалида бўлиб ўтган сув тошқини натижасида кўплаб инсонлар оламдан кўз юмди. Кейинги ҳафталар ичида бу мамлакатда 1265 киши ҳалок бўлганлиги қайд этилди. Ҳозирча ҳаммаси бўлиб қанча одам қурбон бўлганлиги номаълум.

* * *

☑ Деҳлида юз берган автобус фалокати туфайли 26 бола оламдан кўз юмди.

* * *

☑ Швециялик эртакчи аёл Астрид Линдгрен ўзининг 90 йиллигини нишонлади. «Биз» деб номланган жамият аъзолари ёзувчининг таваллуд кунига атаб 15 минг туп дарахт кўчатлари ўтқазишди. Кения, Танзания ва Угандадан келтирилган 70 дан зиёд дарахт турлари ана шу машҳур эртакчи аёлга муносиб совғадир.

* * *

☑ Бу дунё шундайки, унда ҳар хил кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган воқеалар бўлиб туради. АҚШнинг Айова штатидаги Карлайл шаҳарчасида ана шундай воқеалардан бири бўлиб ўтди. 27 ёшли автоустахона хизматчиси Бобби Маккои хонадонида катта байрам. Унинг 29 ёшли хотини Кенни тиббий операция ёрдамида бирданига тўрт ўғил ва уч қиз туғди. Де-Мойн шаҳридаги касалхонанинг болалар бўлимида айтишларича, эгизакларнинг аҳволи яхши. Гарчи улар мўлжалдагидан уч ҳафта аввал туғилган бўлишса-да, бу болалар бемалол нафас олиб туришибди. Маълум бўлишича, Кенни Маккои пуштни кўпайтирадиган «Метродин» препаратини истеъмол қилган экан. Маккоилар оиласига турли корпорацияларнинг вакиллари ёрдам беришга шай эканликларини билдиришди. Улар озиқ-овқатлар, аравачалар, ўйинчоқлар етказиб беришмоқда. Фирмалардан бири ушбу оилага кичик автофургон ҳам совға қилди. Айова штатининг губернатори қурилиш фирмасига бирданига кўпайиб қолган оила учун янги уй қуриб беришни таклиф этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 25 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	54,48
1 Австрия шиллинги	6,42
1 Англия фунт стерлинги	132,68
10 Бельгия франки	21,90
1 Голландия гульдени	40,10
10 Греция драхмаси	2,89
1 Дания кронаси	11,87
1 БАА дирхами	21,38
1 АҚШ доллари	78,52
1 Миср фунти	23,09
1 Ирландия фунти	117,54
1 Исландия кронаси	1,11
10 Испания песети	5,35
100 Италия лираси	4,61
1 Канада доллари	55,39
10 Хитой юани	9,48
1 Қувайт динори	258,76
100 Ливан фунти	5,15
1 Малайзия рингги	22,66
1 Германия маркаси	45,20
1 Норвегия кронаси	11,11
1 Польша злотийси	22,30
10 Португалия эскудоси	4,43
1 Сингапур доллари	49,32
1000 Туркия лираси	0,41
1 Финляндия маркаси	14,97
1 Франция франки	13,50
1 Швеция кронаси	10,38
1 Швейцария франки	55,69
1 ЭКЮ	89,51
10 Жанубий Корея вони	0,71
10 Япония иенаси	6,20
1000 Россия рубли	13,29
1000 Украина гривнаси	41,70
1000 Белорусь рубли	2,62
1 Эстония кронаси	5,65
1 Латвия лати	134,68
1 Литва лити	19,63
1 Қозоғистон тенгеси	1,04
1 Қирғизистон соми	4,54

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 25 ноябрь, сешанба № 138 (22.221).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган Украина маданияти кунлари ниҳоясига етди. Мазкур санъат байрами халқларимиз эришган истиқлол боис мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларга янгича мазмун бахш этди ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шодиёна кунлари украин маданият ва санъат арбоблари республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, халқимиз ҳаёти билан танишди. Ижодий учрашувлар чоғида асрлар оша сайқал топган мумтоз қўшиқчилик, рақс ва бошқа санъат турларининг энг яхши намуналари намойиш этилди. Меҳмонлар Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизда бўлиб, ўтмиш аждодларимиз заковатининг хайкаллари бўлмиш бетакрор меъморий ёдгорликларни кўриб, олам-олам завқ-шавқ олдилар. Халқимиз уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаётганига гувоҳ бўлдилар. Дўст мамлакат вакиллари ҳамма жойда ўзбекона меҳмондўстлик ва гуллар билан кутиб олинди.

22 ноябрь куни пойтахтдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистонда Украина маданияти кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Иккала мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон маданият ишлари вазири Х. Жўраев халқимизни украин санъатининг энг яхши намуналари билан баҳраманд этганликлари учун меҳмонларга Президент Ислом Каримов, республика ҳукумати ва жамоатчилиги номидан миннатдорлик билдирди. Дарҳақиқат, бундай тадбирлар халқларимизни яқинлаштиришда, маънавиятимизни юксалтиришда, маданий алоқаларимизни янги поғонага кутаришда муҳим ўрин тутади. Маданият кунлари муносабати билан ўзбек халқи қардош Украина санъати билан яқиндан танишиш имконига эга бўлгани, санъат ва маданият арбоблари ўзаро тажриба алмашганликлари келгусида бу дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Маросимда сўзга чиққан Украина маданият ва санъат вазири Д. Остапенко гўзал Ўзбекистон, унинг меҳмондўст ва санъатсевар халқига, мамлакат раҳбариятига, мазкур дўстлик байрами учун, ўзбек халқининг турмуш тарзи, юксак маданияти, бетакрор санъати билан танишишга шароит яратиб берганликлари учун ташаккур билдирди. — Биз жойларда ҳамкасбларимиз фаолияти билан, ўзбек маданиятининг янги қирралари билан танишишга муяссар бўлдик, — деди вазир. Айни пайтда бизнинг санъатимиздан минглаб муҳлислар баҳраманд бўлди. Байрамнинг кўплаб тадбирлари телевидение орқали намойиш этилди. Шу маънода, мустақил давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик кўприги янада мустаҳкамланди десак муболаға бўлмас.

Йиғилиш Ўзбекистон ва Украина санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

Украина маданияти кунлари ёпилишига бағишланган тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Вазирлар Маҳкамасида республика ҳукумати ҳузурида ишлаётган туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш мажлиси бўлди. Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида белгилаб берилган вазифаларни бажариш асосида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тадбирлари тўғрисидаги масала кўрилди.

* * *

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлган республика истеъмол бозори мажмуининг сайёр мажлисида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама этилиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш талаб-эҳтиёжини қондириш борасида амалга оширилаётган тажрибаларни бойитиш, кенг ёйиш, истеъмол бозори истиқболини яхшилаш юзасидан таклиф ва муаммолар ўртага ташланди.

* * *

Сурхондарёда «Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчилар билимини диагностик таҳлил этиш» бўйича республика семинар кенгаши бўлиб ўтди.

***

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг пленуми бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ўртага қўйилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Пленумда мазкур асарда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакат қуролли кучлари ва халқ хўжалиги учун техник мутахассислар тайёрлашни яхшилаш масалаларига муҳим эътибор берилганлиги таъкидланди.

* * *

Шаҳрихон туманидаги 29-ўрта мактабнинг меҳнат таълими муаллимаси Одинахон Отахонова республика ўқувчилар мактаб кийимлари (формалари) кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Унинг кўп йиллик педагогик тажрибаси ва чеварлик маҳорати натижаси ўлароқ, мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар учун миллий анъаналар асосида яратилган мактаб кийимлари кўрик ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

* * *

Наманганда бўлиб ўтган минтақавий семинар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал кодексларини ўрганишга бағишланди. Унда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари иштирок этди.

* * *

Тошкентдан Хоразм вилоятига махсус самолёт жўнаб кетди. Унга қиймати 8 миллион сўмликдан кўпроқ инсонпарварлик ёрдами юклари ортилган. Бу ёрдам Оролбўйи экологик ноқулай минтақасига кирадиган Хоразм вилоятидаги камхарж оилалар, болалар, аёллар ва бошқа муҳтожларга беришга мўлжалланган.

* * *

Андижон теннис мажмуида мустақиллик қуйчиси, шоир ва адиб Абдулҳамид Чўлпоннинг 100 йиллик юбилейи шарафига вилоят ҳокими таъсис этган соврин учун «Ибрат-97» теннис турнири бошланди. Мусобақада вилоят ташкилотлари, муассасалари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этмоқда. Андижон кортларига бу спортнинг 200 нафарга яқин ҳаваскорлари чиқди.

ХИВА ЭЛЕКТРОДЛАРИ

Хива туманидаги «Хива» жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган «Қурувчи» хусусий фирмасида пайвандлашда ишлатиладиган УОНИ 13—55 маркали электродлар ишлаб чиқаришга киришилди. Мазкур цехни ишга тушириш учун фирма мутасаддилари 70 минг АҚШ доллари миқдорида қарз кўтаришди.

Илк маҳсулотларини кўҳна шаҳар юбилейи арафасида ишлаб чиқара бошлаган фирма йилига 500 тоннагача қурилиш учун зарур электрод тайёрлай олади.

Рўзимбой ҲАСАН.

НАЙЧАСИМОН МАКАРОН

БУХОРО. Яқинда «Бухоронон» ҳиссадорлик жамиятида найчасимон макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги технологик ускуна ишга тушди. Бу, корхонада макарон маҳсулотлари тури яна учтага кўпайди, демакдир. Етти киши ишлайдиган бу цехда бир кечакундузда бухороликларга 4-4,5 тонна турли макарон маҳсулотлари бир килограммли бежирим халталарга қадоқланган ҳолда етказиб бериляпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

Обуна—98

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛАР

Фарғонанинг Ўзбекистон туманидаги етакчи фермерларидан Имомали Назаров раҳбарлик қилаётган «Умид» хўжалигида «Ўзбекистон овози»ни севиб ўқишади. Яқинда фермер хўжалигининг 10 нафар деҳқон-чорвадори жамоа ҳисобидан газетамизга обуна қилинди. Шунингдек, мазкур тумандаги «Ихтирочи» хусусий фермер хўжалигининг (раҳбари Аъзамжон Маҳмудов) 10 нафар кексаю ёши ҳам ана шу йўл билан газетага обуна бўлишди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАМЛАКАТДА ЕТАКЧИ

Ўзбекистон ХДП Усмон Юсупов туман кенгашида 1998 йил нашрларига обуна бўлиш борасида бизга туман кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири Шерали Эргашев шундай деди:

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Мулоқот» журналларига обуна республикада етакчи ўринда кетмоқда.

Барча бошланғич партия ташкилотларида нашрлар аҳоли жон бошига ҳисобланганда қувончли бўлди. Жумладан, туманда ҳозиргача «Ўзбекистон овози» газетасига — 160 та, «Голос Узбекистана» газетасига — 17 та, «Мулоқот» журналига — 76 та обуна бўлди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ХИЗМАТИДА

Миллат ва маънавият

Зебо Мирзаева, Ғулом Мирзо, Рустам Мусулмон, Дилшод Ражаб, Хосият Рустамова, Нодир Жонузоқ, Озода Бекмуродова... Бу номларни биласизми? Танийсизми уларни? Балки танимассиз, лекин биласиз номларини. Уларнинг номлари кейинги йилларда газета-журналлар саҳифаларида бот-бот кўриниб турибди. Шеърий ва насрий асарларини тез-тез ўқийсиз. Биринчи, иккинчи китобларини ўқигансиз. Ҳар бири ўз мухлисларига эга. Бири у, бири бу даражада машҳур.

Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, «Ёзувчи» ва «Чўлпон» нашриётлари, Ёзувчилар уюшмаси ва унинг ёш ижодкорлар билан ишлаш бадиий кенгаши билан ҳамкорликда Инсон манфаатлари йилида биргина «Истеъдод» туркумида 35 нафар ёш ижодкорнинг китобларини нашр этди. Бу китоблар давлатимиз раҳбарининг, ҳукуматимизнинг ёш ижодкорларга, умуман адабиёт ва маданиятга, маънавиятга ғамхўрлиги сифатида нашр этилди.

35 та янги китоб. 35 хил овоз — бир йилда. Фақат ёшларнинг ўзиники. Истибдод даврида кўндаланг қўйилган адабиёт ўладими, деган саволга мустақилликнинг жавоби шу эмасми? Мустақиллик адабиёти шаклланмоқда. Бунга ёш ижодкорларимизнинг 35 та китоби далил. Мустақиллик адабиётининг бадиий хусусиятлари анъанавий булоқлардан сув ичгани ҳолда бошқача — ўзига хос бўлишига ҳам шубҳа йўқ. Бундай хусусиятлар мазкур китоблардаги асарларда ўз ифодасини топган.

Айрим халқларнинг ҳамма шоирини ҳисобласангиз 35 тага етмаслиги мумкин. Янги ва узоқ қўшниларимиз булган баъзи бир давлатлар неча йиллардан буён бадиий адабиёт китобларини нашр этолмайди. Улар ҳали-ҳануз биринчи даражали иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан овора. Адабиёт ва маданиятни, санъатни, маърифатни моддий, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имкониятлари етишмайди.

Узбекистон мустақилликка эришиши биланоқ юртбошимиз маънавиятни иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминловчи бош омил эканини кўрсатиб берди. Айтиш керакки, ёш давлатимиз иқтисодини кўтаришга қанчалик аҳамият берилаётган булса, маънавиятни кўтаришга ҳам ундан оз аҳамият берилаётгани йўқ. Биргина «Истеъдод» туркумида бир йилда 35 нафар ёш ижодкорнинг китоблари нашр этилиши ҳам фикримизни исботлайди. Бу — Президентимиз, давлатимиз адабиётга, маънавиятга кўрсатаётган ғамхўрликнинг ёрқин белгисидир. Мустақиллик адабиётини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсати даражасидаги ишдир.

Ёш авлодни фақат оила, мактаб эмас, бадиий адабиётлар, китоблар ҳам тарбиялайди. Китоблар ёш авлодга ҳаётни, мустақилликнинг моҳиятини, зарур пайтда истиқлол учун жон фидо қилиш Ватанга фарзандлик бурчи эканини ўргатади. Ёшларни имонли, диёнатли, тўғрисўз, ватанпарвар, илмли қилиб тарбияловчи ҳам китоблардир. Таълимдаги ислоҳотлар, таълим борасидаги дастур ҳам ўқувчиларнинг бадиий ўқишига алоҳида урғу беради. Бадиий қиммати юксак, ёшларимизнинг қалби ва тафаккурига таъсир этувчи, уларнинг баркамол авлод бўлиб етишиши учун хизмат қилувчи китоблар ҳамиша китобсевар халқимизнинг маънавий мулкига айланиб қолаверади.

Баъзан китоблар ўқилмаяпти, одамлар бадиий адабиётни мутолаа қилмай қўйдилар, қабилидаги бир ёқлама гаплар эшитилиб қолади. Халқимизнинг китобларга ташналиги шунчалик эканки, ёш шоирларнинг китоблари дўконларга чиқиши билан сотилиб кетилмоқда. Ёш шоирларимизнинг 35 та янги китоблари ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айланиб қолишига, ёшларимизнинг маънавияти ва маърифатини юксалтиришига шубҳа йўқ.

Содиқ СУЛТОН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

Партия ҳаёти

Республика мустақиллигининг тенгдоши Ўзбекистон Халқ демократик партияси янгиланиш ва демократия йўлидан бораётган жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучига айланди. Хўш, ЎзХДП Бухоро вилояти ташкилотлари туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қандай фаоллик кўрсатишяпти? Истиқлол мафкурасини одамлар онги ва қалбига чуқур сингдириш борасида партия ташкилотлари томонидан нима ишлар қилиняпти? Мухбиримиз ана шу ва бошқа қатор саволлар билан вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Салим Икромович БОЛТАЕВга мурожаат қилди:

— Ўз атрофига 25480 дан ортиқ аъзони бирлаштирган вилоят партия ташкилоти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишни ўзининг виждон бурчи деб билмоқда, — дея суҳбатни бошлади котиб. — Демократиялаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб киришга ҳар томонлама кўмаклашиш партия ташкилотларимизнинг диққат марказида турибди.

Бухоро шаҳри, Бухоро ва Вобкент туманлари ХДП кенгашлари самарали фаолият кўрсатишяпти. Шунинг натижасида бу жойларда партиявий ишлар таъсирчанлиги ҳам сезиларли даражада ошяпти.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда вилоятдаги 903 та бошланғич партия ташкилотининг 326 таси ҳудудий тарзда фаолият кўрсатмоқда. Жондор туманидаги 152 та бошланғич партия ташкилотидан 123 таси, Бухоро туманида эса 118 та ташкилотдан 80 таси бевосита аҳоли истиқомат жойларида ишламоқда. Аммо Пешку, Қоровулбозор ва Шофиркон туманларида бу борадаги ишлар анча сустлиги ташвиш туғдирмоқда.

— Айтингчи, партия кенгаши пленумлари, ижроия бюро йиғилишлари қарорлари ижроси қандай бўляпти?

— Вилоят партия кенгашининг пленумида бирон масала муҳокама қилинганида партия ташкилотлари бу борада зиммаларида турган масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этадилар. Ижроия бюро йиғилишида Бухоро шаҳридаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги ва «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти партия ташкилотларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича маъмурият билан ҳамкорлиги масаласи кўриб чиқилди. Бюро йиғилишларида «Бухорогўшт» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ва партия ташкилотининг «Фахрийлар куни»ни ўтказиш ва нафақахўр қарияларни бир пенсия миқдоридаги пул билан тақдирлаш борасидаги ташаббуси маъқулланди.

ХДП вилоят кенгаши Бухоро шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»ни, ногирон болалар соғлиғини тиклаш марказини, Ғиждувондаги етим болалар мактаб-интернатини ўз оталиғига олган. Партия ташкилотлари ҳомийлар ёрдамида 50 дан зиёд кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ва 200 дан ортиқ болаларнинг суннат тўйларини ўтказишга бош-қош бўлди.

— Ҳамиша халқ орасида бўлиш муҳим. ХДП ташкилотлари омма ўртасида тарғиботнинг қайси омилларидан кўпроқ фойдаланишяпти?

— Бу йил бухороликлар учун қўшалоқ тантаналар йили. Партиямиз ташкил топганининг 6 йиллиги, Шариф шаҳарнинг 2500 йиллиги. Биз «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари фаоллари, олимлар, ташвиқот гуруҳимиз билан барча туманларда бўляпмиз. Бебаҳо неъматга эга бўлган республикамиз мустақиллигининг шаҳдам одимлари, Бухоронинг 2500 йиллигига, миллий қадриятларимизга доир илмий-назарий анжуманлар, республикамиз Президенти асарларини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказиб турибмиз.

Аммо афсуски, ҳамма йўналишдаги ишимизни «беш» дея олмаймиз.

Ҳозир амалий ишлар даври. Бунда партия қуйи бўғинларидан тортиб, вилоят кенгашигача ҳамма ёниб яшаши, ислоҳотларнинг олдинги сафида бориши даркор! Шундагина эзгу ниятлар ижобат бўлади.

Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК»

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги 13.09.1997 йил сонида босилган «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» сарлавҳали мақоласини атрофлича кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатан «Янги Камолон» маҳалла хотин-қизлар қўмита раиси бошчилигида ободонлаштириш ва санитария ишларини яхшилаш бўйича талайгина ишлар қилинган. Бешёғоч мавзесида 15, 19-чи уйлар олдида болалар ўйингоҳи ва спорт майдончаси ташкил қилинганлиги сабабли мақолада кўтарилган 22-поликлиника филиали олдидаги майдончада ҳашар йўли билан дам олиш ва болалар ўйнаши учун шароит яратиш маҳалла раисига юклатилди.

Ҳоким муовини У. РАҲМОНБОЕВ.

ҚИШЛОҚДА БОЙЛАР КЎПАЙСА



Республикамизнинг Марказий Осиёда иқтисодий жиҳатдан ўрни катта эканлигини ҳисобга олсак, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасининг бугунги кундаги салоҳияти ва фаолият доираси янада равшанлашади. Зеро, мазкур бирлашма эришаётган натижалар муносиб меҳнат, фидокорлик самаралари экани ҳам рост. Дарҳақиқат, «Ўздеҳқончиликқурилиш»нинг ҳозирда 600 дан зиёд катта-кичик қурилиш ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар мамлакатимиз ривожига, халқ хўжалигининг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бирлашма раисининг биринчи ўринбосари, «Ўздеҳқончиликиндустрия» бошқармаси бошлиғи Арустамян Христофор Амазович билан қилган суҳбатимиз асносида шу нарсага амин бўлдикки, жамоа аъзоларининг қўлга киритаётган ютуқлари залворли, келажакка бўлган ишончлари эса устувор...

— Христофор Амазович, маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда республика аҳолисининг 61 фоизи ёки 13,8 миллион киши қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Аҳоли ўсиш жараёни суръатлари сақланиб қолгани ҳолда, 2000 йилга бориб бу кўрсаткич 16,1 миллион кишига етиши кўзда тутилмоқда. Шундай экан қишлоқ жойларида янги-янги турар жой бинолари, соғлиқни сақлаш масканлари ҳамда кўплаб иншоотларни барпо этиш сиз меҳнат қилаётган «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасининг бевосита фаолияти билан боғлиқ? Шундай эмасми?

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқларни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласи 3-4 баробарга ортди. Қишлоқларимиз қиёфаси ўзгармоқда. Қишлоқ тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари билан гузарлар, чойхоналар, болалар боғчалари, шифокорлик масканлари ва кўплаб турли иншоотлар қад ростламоқда. Энди бевосита «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси хусусида тўхталсак. Бирлашмамиз 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан, қишлоқ қурилишларини бажаришга ихтисослашган.

Бугунги кунда аҳолининг тобора ўсиб бораётганлигини, шунингдек, кўплаб майдонларнинг уй-жой ҳамда турли масканларни барпо этишга эҳтиёж берилаётганини ҳисобга олиб, республикамиз ҳукуматининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилиняпти.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётдаги айрим қийинчиликларга қарамай, мамлакатимиз вилоятлари қишлоқларида 1997 йилнинг 11 ойи мобайнида 18 минг ўринли умумтаълим мактаблари, 2 минг 800 ўринли касалхоналар, 18 минг квадрат метр замонавий уй-жой бинолари, мактабгача болалар муассасалари, поликлиникалар, маданий масканлар, таъмирлаш-механика устахоналари ва кўплаб ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Бугунги кунда «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси таркибида қурилиш ҳиссадорлик жамиятлари, қурилиш-монтаж ташкилотлари, авто-транспорт корхоналари, қолаверса 70 дан зиёд саноат комбинати ва заводлар бор. Улар қурилиш материаллари ҳамда темир-бетон конструкцияларини тайёрлаб бермоқдалар. Бундан ташқари, фермер-деҳқон хўжаликларини қурилиш материаллари билан таъминлаш вазифаси ҳам бизнинг зиммамиздадир.

— Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг долзарб ва-

Мулк эгасини топмоқда

зифа — мулкка муносабатни тубдан ўзгартирмоқдир. Шундай экан, қишлоқ жойларида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўп. Бу аввало, қишлоқ жойларида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши кўнгилдагидек эмаслиги саноат, кичик бизнес корхоналари шаҳобчаларини шакллантириш эса суст амалга оширилаётганидан дарак беради. Бирлашмада бу борада қандай амалий ишлар қилинмоқда?

— Яширишнинг ҳожати йўқ, бир қатор раҳбарларнинг ишбу жараён йўлидаги тўсқинликлари кўп жиҳатдан уларнинг эркин, хусусий тадбиркорларнинг янги ижтимоий қатлами шаклланиши билан рақобат муҳити юзага келишдан қўрқиши, янгича шароитларда ўзларининг лаёқатсизлиги ва эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги кўриниб қолишидан чўчиши билан изоҳланади.

«Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси таркибидаги барча саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Олдимизда турган вазифалар ҳам катта. Талаб эса сифатли, ҳар томонлама жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган иншоотларни барпо этиш, сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан иборатдир. Шу кеча-кундузда бирлашмамиз таркибида 48 минг киши меҳнат қилади.

Бу катта куч, шу мақсадда, меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини фойдали меҳнатга жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Корхоналаримиз қошида гилам тўқиш цехлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган тармоқлар ва шунга ўхшаш кўплаб шаҳобчалар фаолият кўрсатмоқдаки, улар бугунги кунда қишлоқдаги инфратузилмани яхшилашга имкон беради.

«Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси тасарруфидаги «Ўздеҳқончиликиндустрия» бошқармаси тизимида, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб меҳнат қилаётган 70 та катта-кичик ташкилотлар томонидан шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2 миллиард 22 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Бу дегани, бирлашмамиз жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган бўлса, шундан икки миллиарддан зиёди бошқармага қарашли корхоналарнинг улушига тўғри келади. Демак, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилганлигининг самараси юқорида қайд қилиб ўтган рақамларимизда ҳам ўз аксини топган.

— Айни кунларда қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Бирлашмамиз бинокорлари нафақат қишлоқ хўжалигида, балки йирик объектлар қурилишида ҳам иштирок этмоқдалар. Жумладан барпо этилаётган Республика Олий Мажлис биносининг қурилишида, «Жар» спорт-соғломлаштириш комплексини бунёд этишда, Қоровулбозорда қад ростлаган Бухоро нефтни қайта ишлаш гигантининг барпо қилинишида жамоамизнинг ҳиссаси ҳам беқиёс эканлигини фахр билан таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

***

«Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси бозор иқтисодиётига ўтилаётган шу даврда бир маромда фаолият кўрсатаётган жамоалардан ҳисобланади. Бирлашманинг саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилишбоп маҳсулотга талаб ортса ортмоқдаки, лекин камаймаяпти. Бу яхши. Бироқ бу сингари талабларни қондиришнинг, барча буюртмаларни ўз вақтида бажаришнинг ўзи бўлмаяпти. Қўпдан-кўп муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келмоқда. Юзага келган муаммоларни барча ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб енгиб ўтмоқда. Бу аҳиллик туфайли ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ортиб бораяпти.

Суҳбатдош: Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШ ҲАМ ЭШИК ҚОҚДИ. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

Газетада босилмади, аммо...

ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНДИ

Чироқчи туманидаги «Бешчашма» жамоа ширкат хўжалигидаги «Оқолтин» қишлоғида яшовчи О. Худойбердиевнинг иш ҳақи ололмаётганлиги тўғрисида таҳририятга ёзган аризасини текшириш натижалари тўғрисида туман ҳокимлиги томонидан мазкур ариза кўриб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди:

Ариза муаллифи 1995 йилдан буён Чироқчи туманидаги «Пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Бешчашма» пахта қабул қилиш пунктида ишчи бўлиб ишлаганлигини ва 1997 йил апрель ойида ишдан бўшаганлигини, лекин ҳозирги кунга қадар иш ҳақи бўйича завод маъмурияти у билан ҳисоб-китоб қилмаганлигини баён этган.

Ҳақиқатдан ҳам Худойбердиев Олим Чироқчи «Пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишчи бўлиб ишлаб келган ва 1997 йил 10 апрелда ўз аризасига биноан ишдан бўшаган.

Корхонада ҳозир иш ҳақларини нақд пул ҳисобида ўз вақтида тўлаб беришнинг имконияти йўқлиги сабабли ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари кундалик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига тўланган.

Жумладан, Худойбердиев Олимга ҳам тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун унга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобига ун таклиф қилинганда, лекин у рад эттан. Шу сабабли унга иш ҳақи тўлаш кечиккан.

Ҳозирги кунда унинг номига ҳисобланган 6797 сўм иш ҳақи тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниб, тўланган.

Туман ҳокимининг ўринбосари И. БОЙМИРЗАЕВ.

ОҚСАРОЙ — ТЎРТИНЧИ ГУЗАР

Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги янги гузар Оқсарой деб номланди. Меҳнаткашлар учун хизмат кўрсата бошлаган мазкур гузарни барпо қилишга 350 минг сўм маблағ сарфланган. Аслида бу сарф турли қурилиш материаллари сотиб олишга кетган, холос. Пойдеворни тиклашдан тортиб, пардозлашгача бўлган юмушлар ҳашар йўли билан уддаланди.

Хўжаликда айни кунларда ҳам қурилиш, ободонлаштириш ишлари яна жадал давом этяпти. Ўнҳаёт шаҳарчасида янги яна бир гузар қурилади. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, бу ерда бозорча ишга туширилди. Мавжуд хизмат кўрсатиш шаҳобчалари эса таъмир қилиниб, замонавий қиёфа берилмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПО АСР ТЕНГДОШИ

Ўзбекистон Республикаси темир йўллари ҳиссадорлик жамияти, Бухоро темир йўл ҳиссадорлик жамияти ва Самарқанд вилояти ҳокимияти ҳамкорлигида Самарқанд локомотив депосининг 100 йиллик юбилейи катта байрам тарзида нишонланди. Байрам тантаналарида республиканинг барча темир йўл жамоаларидан вакиллар қатнашди. Меҳмонларни ва локомотив ишчи-хизматчиларини депо бошлиғи Юсуф Ҳайдаров қизғин табриклади. Шундан сўнг Самарқанд вилоят ҳокими Алишер Мардиев темирйўлчиларни юбилей тантанаси билан муборакбод этиб, локомотив депосининг илғор ишчиларига мукофотлар топширди.

Ўткир ПЎЛАТОВ, Самарқанд шаҳри.

ЯНГИ МАКТАБ ВА ТИББИЙ МАСКАН

Шаҳрихон туманидаги Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Гул қишлоғида 420 ўринли янги мактаб қурилиб битказилди. Бунинг учун жамоа хўжалиги бошқаруви, 126-механизациялашган кўчма жамоа корхонаси бинокорлари қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда астойдил ишладилар. Вилоят, туман ҳокимлигининг мадади билан қурилиш жадал ва сифатли бажарилди. Мактабни фойдаланишга топшириш тезлашди. Кенг, ёруғ синфхоналарга замонавий ўқув жиҳозлари мос тушди. Шу тумандаги Дўлан қишлоғида қишлоқ врачлик маскани ишга тушди. Янги тиббиёт масканида 12 нафар шифокор аҳолига хизмат кўрсатади. Замонавий тиббий техник жиҳозлар хизмат кўрсатиш даражасининг юқори бўлишини таъминлайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

✂ -

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

БОЛА ЎҒРИСИ

ёки она бўлиш бахтига

«Болалар уйи» дарвозаси олдида ёшгина жувон қўрқув ичра билагимдан маҳкам ушлади.

— Шошманг опа, мабодо бола олмайсизми?

— Оламан, қаерда экан, — дедим юрагим орзиқиб.

— Қиз бўлсачи?!

— Менга барибир, бола бўлса бас! У ҳомиласига ишора қилди.

— Ҳали турмушга чиқмаганман. Ойкуним яқин, узоғи билан беш-олти кун қолди. Мени уйингизга обкетинг, кўзим ёригач кетаман.

— Қаёққа?

— Ота-онамникигада. Шу кунгача ётоқхонада турувдим, қизлар сиғдиришмади. Ҳали уйимдагилар мени бу аҳволимни кўришгани йўқ. Агар отам билса борми, нақ бўғзимга пичоқ тортиб юборади. Юринг сизникига борайлик, ўша ерда ҳаммасини айтиб бераман!

Шу топда унинг қандай аёллиги мени заррача қизиқтирмас, тезроқ туғишини, тилхат ёздиргач боласини обқолиб, ўзини истаган манзилига узатиб қўйишни ўйлардим. Айрим сабабларга кўра уни бир қариндошимникига етаклаб бордим.

У янглишмаган экан. Орадан саккиз кун ўтиб ўғил кўрди.

— Жуда нимжон, олаверасизми? — сўради доя. — Лекин онаси отдек, ўнгланиб кетар.

— Ҳа, боқволаман.

Уч кун ўтгач, Назокат тилхат ёзиб қўлимга тутқазди.

— Учрашгунча опажон, — жилмайди у, сўнг ҳеч нима кўрмаган, билмагандек кўздан ғойиб бўлди.

Шу бўйи Назокатнинг қорасини кўрмадим.

...Бола боқиш ташвиши бошимга тушди. Ўзим фарзанд кўрмаганим учун бола боқиш ташвиши тотли эди. Жажжини «туғуруқхонадан олиб келган» куним уйимиз тўлиб кетди. Қайнона, қайнсингилларим, овсинларим, баримиз жам бўлдик. Шунда оппоқ йўргакли боламни кўтариб қайнонамга пешвоз чиқдим.

— Буви, мана неварангиз, — хиёл овозим титради.

— Ҳа, ко-о-отта йигит бўлсин, — чимирилди қайнонам.

Пичинг аралаш гапидан, «ҳаромдан бино бўлган» деган ишора сезилиб турарди.

— Вуй, кеннойи, мунча мушук боласидек, нима бола чала туғилганми? — «чақиб» олди кенжа қайнсинглим.

Хуллас етимчани ҳеч ким қўлига олмади. Юрагим увишиб хўрлигим келиб кетди. Агар ўз болам, ўз жигарпорам бўлганида эди, қайнонам «туф-туф»лаб қўлига олган, қайнсингилларим бир нималар деб меҳримни товлантирган бўлур эди.

Бола йиғлоқ чиқди. На сўрғичга кунади, на бошқа овунчоққа. Бола чир-чир йиғлайверади, дадасининг асаби бузилиб, сўкинади. Бошини тўшакка буркаб олади. Мен бўлсам болани ҳали бешикка, ҳали беланчакка солиб тебратаман, қани кўнса.

Ахир дўхтирга обордим.

— Гипортрафия, — деди педиатр, — тана қуриган. Нима, иккиқатлигингизда бирор дардга чалинганмидингиз, болангизни аҳволини қаранг...

Довдираб қолдим ва аранг:

— Асраб олганман, дўхтир — деёлдим.

Дўхтир индамади. Стулга чўкиб қоғозни тўлдириб укол-дорилар ёзиб берди.

Дўхтирнинг гапи роса алам қилди, менга. Чунки болага аллақачон меҳрим тушиб қолган, уйқусиз тунлар, адоғи йўқ аллалар, буларнинг ҳаммаси менинг юрагим билан бола юраги ўртасида меҳр-муҳаббат уйғотган эди.

«Бу бола яшаши керак, соғайиши керак, оппоқ думбиллаган бола бўлиши керак», дерди идроким.

Она-бола иккимиз кўп қийналдик.

Ниҳоят кўз қароғим иккига кирди. Думбоққина, кўзлари тим қора суйгу-

1 2

СПОРТ

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН БЕЛЛАШУВ



Пойтахтимиздаги йирик спорт иншоотларидан бири — Юнусобод теннис мажмуи яна гавжумлашди. Усти берк бу майдонда биринчи марта эркин кураш бўйича «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа ўтказилди. Жаҳоннинг 13 мамлакатидан ташриф буюрган қарийб 150 нафар спортчи биринчи куни ўзаро саралаш баҳсларида куч синашдилар. Эртасига қўли баланд келган кучли полвонлар фахрли ўринлар учун даъвогарлик қилдилар.

Жумладан, Украина курашчилари иккитадан олтин, кумуш ва битта бронза медалига эга бўлишган бўлса, қозоғистонликлар 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритишди. АҚШ спортчилари ҳам бўш келишмади. Улар биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларига эгалик қилдилар. Шунингдек, Туркия полвонлари иккита кумуш, битта бронза, Россия курашчилари битта кумуш, қозоғистонликлар эса иккита бронза медаллари билан қаноатландилар.

Мусобақада халқаро кураш ассоциацияси, халқаро федерацияси вакиллари, республикада спортнинг мазкур турига мутасаддилар қатнашдилар. Қизиғи шундаки, «Юнусобод» спорт кошонаси ҳар жиҳатдан хорижлик мутахассисларга маъқул келди. Улар бу ерда жаҳон чемпионатини ташкил этса ҳам бўлади, деган таклифни ўртага ташладилар. Халқаро андозаларга мос қилиб қурилган бу спорт иншоотида эса беллашувлар қизғин ва муросасиз давом этди.

Баъзи беллашувлар ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, халқаро турнир иштирокчисидан ўзига хос талабларга жавоб бериши лозимлиги сўралади. Хусусан, уларнинг йирик баҳсларда иштирок этгани, мухлислар оғзига тушгани, чаққонлик ва чапдастлик бобида ўз вазн тоифасига мослиги кузатилади. Шу боисдан ҳам 130 кг вазнли курашчилардан Керри Маткой (АҚШ) билан қозоғистонлик Ҳаким Мирзоидовнинг беллашувлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Даст кўтариб уришлар, куракни ерга тегизиш йўлида қилинадиган техник услублар ўз самарасини берди. Бу борада Керрининг қўли баландлиги аён бўлди.

Ҳар қалай йилимизнинг балки сўнгги мусобақаси бўлиб қоладиган халқаро баҳс юртимизда ўзига хос кайфиятни юзага келтиришда аҳамият касб этди. Ўйлаймизки, қизғин беллашувларни кузатган ёшларимиз уларга интилиб, келажакда халқаро майдонларда юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишга камарбаста бўлишликни кўнгилларига туйсалар, ажаб эмас. Муҳими бундай нуфузли мусобақа ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб туриладиган бўлди.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

***

***СУРАТЛАРДА:** беллашувлардан лавҳалар.*

Суратқаш Рашид ГАЛИЕВ.



ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Парижда Яманнинг ташқи давлатлар билан қарзларини узиш бўйича жиддий шартномага эришилди. Бу мамлакат Россиядан тахминан 6,5 миллиард доллар қарз. Париж клубининг шартларига кўра бу қарзнинг ҳарбий харажатлар учун кетган қисмидан воз кечилади. Қолгани эса тўланиши шарт.

* * *

Стокгольм муниципалитети швециялик машҳур дипломант Раул Валенберг-га ҳайкал ўрнатиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Маълумки, бу дипломант II-жаҳон уруши пайтида ўн мингдаб яҳудийларни ўлимдан асраб қолган. Ушбу арбоб хотирасига ўрнатиладиган ҳайкални тиклашга ва бадиий конкурсга 2,5 миллион крон ажратиладиган бўлди.

* * *

Японияда бузуқлик билан шуғулланаётган россиялик икки жувон Ниигата вилоятида полиция томонидан қўлга олинди. Яқин кунларда улар суд қилинади.

* * *

АҚШ билан Қозоғистон Каспий денгизи остидан 600 миллиард доллар пул овлайдиган бўлишди. Нурсултон Назарбоевнинг АҚШга қилган таширифи давомида нефть қазиб олиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Қозоғистон Президентининг АҚШ Президенти Билл Клинтон ва вице-президент Альберт Гор билан учрашувлари давомида қатор жиддий қўшма ҳужжатларга имзо чекилди. Каспий денгизидан нефть қазиб олиш соҳасидаги ҳамкорлик ва бу ҳамкорлик натижасида амалга ошириладиган лойиҳа 600 миллиард доллар фойда келтириши мумкин. Қозоғистонликлар бу фойданинг 80 фоизини оладиган бўлишди.

ЕВРОПОЛ ҚАРМОҒИГА НАҲАНГЛАР ИЛИНАДИ

Халқаро мафия гуруҳларининг кейинги пайтлардаги қатор жиноятлари Германия ҳукумати аъзоларига ҳам таъсир этди шекилли, улар узоқ иккиланишларга чек қўйиб, Европол Конвенциясини шошилинч тарзда ратификация қилдилар (тасдиқладилар). Европолнинг етакчи раҳбари Юрген Штербек бундестаг қарорини «олдинга ташланган катта қадам» дея баҳолади.

Европол 1994 йилдан бошлаб расмий тарзда фаолият кўрсатади. Бош қароргоҳи Гаагада жойлашган. Унда Европа ҳамжамиятига аъзо 15 мамлакатдан 126 нафар хизматчи-ходим фаолият кўрсатади. Европол ўтган йили халқаро жиноятчиларга қарши курашда ўн икки ярим миллион марка сарфлади. Европол полицияси бюджети учун зарур бўлган маблағни чорагидан кўпроқ қисми Германия Федератив Республикаси ҳиссасига тўғри келади. Италия ҳам ўз ҳиссасини тўлаган. Буюк Британия эса Европолга тўлаши керак бўлган маблағни учдан икки қисмини тўлаган, холос.

Кузатувчилар молиявий камчиликлар Европолнинг амалдаги самараси озлигига сабаб эмас, балки ушбу ташкилот олдида турган, унинг оёққа мустақил туриб олишига тўсқинлик қилаётган қийинчиликларнинг бир кўриниши, холос, дея ҳисоблайдилар. Европол ўз фаолиятининг бошида асосан халқаро наркобизнесга қарши курашни режалаштирган бўлса-да, Европада мавжуд ижтимоий вазият зўравонликка асосланган фаолиятнинг барча турлари — молиявий қинғирликлар, қурол ҳамда аёллар, болалар, умуман одамлар савдо-сотиғи, фоҳишабозлик, бошқа ҳар хил оммавий контрабандага қарши кескин кураш масаласини ҳам мазкур ташкилот олдига вазифа қилиб қўйди.

Европа иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ҳуқуқий негизи, улардаги қонун ва мажбуриятларда тафовутлар етарлича. Қисқа фурсатда уларнинг тергов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолияти билан Европол фаолиятини мувофиқлаштириш осон кечмади. Масалан, турли давлатларда полиция хизмати турли муассасаларга бўйсунади, шундан келиб чиқиб, уларнинг имконияти ҳам ҳар хил. Бу турлича хизмат фаолиятини уйғунлаштиришни қийинлаштиради. Европол ҳамжамиятига аҳолиси ўн бир тилда гаплашадиган давлатлар аъзо. Қуйи, бироқ амалда энг муҳим бўғинлар билан тезкор алоқа ўрнатиш, «тил топишиш» ҳам осон эмас.

Бу Европол олдида турган, айни пайтда уни орқага тортаётган қийинчиликларнинг бир қисми, дея изоҳлайди кузатувчилар. Германиянинг ўзида ҳам ҳамон умуман ушбу ташкилотнинг керак-керак эмаслиги ҳақидаги баҳолар тингани йўқ. Улар Европада 1923 йилдан буён Интерпол фаолият кўрсатаётгани, унга 177 давлат аъзо эканини асос қилиб кўрсатдилар. Бундан ташқари Европада еттита давлатни ўз ичига олган «Шенген ахборот тизими» ҳам фаолият кўрсатади. Бу ташкилот халқаро қидирув ёки терговда бўлган жиноятчилар ҳамда катта миқёсдаги жиноятлар тўғрисида тўрт миллион ахборотга эга эканини маълум қилади. Европада халқаро мафияга қарши курашда икки томонлама келишувга эга давлатлар ҳам оз эмас. Шунга қарамай, кузатувчиларнинг фикрича, Европол ҳам зарур. У «Бутун дунё бўйлаб сочилиб кетмай, қадимий минтақалардан бирида марказлашган, «катта ога»сига нисбатан техник воситалар жиҳатидан замонавий, қудратли компьютер тизимига эга. Етакчи раҳбар Юрген Штербекнинг айтишича, «Европолнинг самараси тобора ошиб боради, чунки у ўз фаолиятида полиция, жандармерия, чегаралар ва божхона хизматларининг меҳнатларини тобора уйғунлаштиримоқда. Уларнинг ҳар бири ўз малака ва тажрибасини «баҳам кўради», натижада янги ғоялар пайдо бўлади, муайян ечимлар топилади, бевосита ижрочилар билан қисқа фурсатда «тил топишиш» мумкин.

Европолнинг хизмат ходимлари гангстерлар—зўравонлар изидан қувиб юрмайди, балки улар ҳақидаги муҳим маълумотларни кўплаб мамлакатлардан тўплайдилар. Шу тариқа, ГФР ички ишлар вазири Манфред Кантер айтишича, «Қаерда, қачон, қандай жиноятлар содир этилгани, қайси фирмалар унга алоқадорлиги, қайси йўлдан «хавфли» юкнинг ўтиши ва бошқа кўплаб шу каби ахборотларни бир жойга тўплайдилар. Ишлаб чиқилган маълумотлар мувофиқ миллий ташкилотларга тақдим этилади. Улар эса жойларда тезкорлик билан ҳаракат қиладилар. 1996 йилда Европол катта миқёсдаги жиноятлар бўйича 2053 та суровнома қабул қилди. Халқаро «Коктейл» операциясини муваффақиятли амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшди. Бу операцияда гиёҳванд моддалар «ўтадиган» халқаро йўл кесилди. Европанинг беш давлатидаги ўн икки шаҳарда 75 нафар хавфли жиноятчи бир неча дақиқада қўлга олинди.

Европол олдида турган муҳим вазифалардан бири нафақат полиция ва божхона, балки давлат бошқарув органлари, адлия, меҳнат ва ахлоқ тузатиш муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир. Европа иттифоқидаги кўзга кўринган экспертлар Европол вазифаларини кенгайтириш зарурлигини, унинг ходимлари фақатгина ахборот йиғиш ва таҳлил этиш билангина шуғулланиб қолмай, балки тезкор фаолият кўрсатиш масъулиятини ҳам ўз зиммаларига олишлари кераклигини таъкидлайдилар. Бироқ ҳанузгача аъзо ўн беш давлатдан ўнтаси Европол Конвенциясини ҳозирги ҳолатда ратификация қилмаган.

Шу каби сабабларга қарамай, Европолнинг керакли ташкилот эканини халқаро миқёсдаги вазият тасдиқлаб турибди. Келажакда унинг қўлами бир неча баробар кенгайиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Салим АШУРОВ.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Федерал қидирув бюроси директори Луис Фри Москвага таширифини якунлай туриб расмий равишда эълон қилдики, Россиядаги уюшган жиноятчилик АҚШнинг миллий манфаатларига ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Бу ҳақда «Ассошиэйтейд Пресс» матбуот агентлиги хабар берди. Луис Фри Россия ички ишлар вазири Анатолий Куликов билан қўшма матбуот конференциясида Федерал қидирув бюроси билан Ички ишлар вазирлиги ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорликка юксак баҳо берди. АҚШдаги рус жиноятчи гуруҳларига келганда шуни айтиш керакки, ФҚБ вазиятни тўла назорат қилиб турибди.

* * *

Олимлар инсондаги вирусга қарши кучнинг етишмаслиги сабабларини тўла аниқлашди. Амстердам университети профессори Жефф Гудсмит СПИДнинг дастлабки вируслари 1850 йилларда Камерун, Зоир ва Габон ҳудудида топилганлигини исботлади. Аввал тахмин қилинганидек, СПИДни тарқатувчи асосий восита маймунлар экан. Бу хавфли касаллик одамларга ўша жойларга бориб қолган немис туристларининг айби билан етиб келган экан. Чунки улар маймун гўштини пишириб ейишганди. Ўша туристлар гуруҳи Африкадан жўнаб кетгандан сўнг Польшага етиб келишган. Хавфли касаллик эса худди шу ердан барча мамлакатларга тарқалиб кетган. Бу ҳақда ДПА агентлиги хабар берди.

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Ов қилиш қачон пайдо бўлган? Одам овлаш-чи? Бу бизга ғайри-табиий туюлади — «одам овлаш?!» Тарих қати ўзига шундай мудҳиш сирни ҳам беркитган. Ўтмишда одамни ҳам худди қуён отгандек ер тишлатишгандир. Америкада ўтмишда шундай «қизиқ-қон ўйин» тури бор эди.

Вайоминг штатидаги Каспер шаҳрида яшовчи тарихчи олим Роуз Доулман айнан шу мавзуда узоқ йиллар илмий кузатишлар олиб борган.

Олимнинг фикрича, қалдирғоч «одам овчилар»дан бири кўнгилхушлик сайрида илк сафар ҳиндулар қабиласи ёнидан ўтиб кетатуриб, худди ҳайкалдек қотиб турган одамга кўзи тушади. «Ғалати одам» жонсиздек туюлади ва милтиғидан нишонга олади. Лекин ҳинду ўқдан ҳам тез ҳаракат қилиб, кўздан ғойиб бўлади. У сал нари бориб иккинчи, учинчи ҳиндуни отиб ўлдиради.

Шу-шу сайрга чиққан маст-аластлар ўқтин-ўқтин «ғалати ов»ни русумга айлантириб юборишди. Борган сари бу машғулотга қизиқувчилар ортиб борди.

— 1940 йилларга келиб ярим миллионлик «овчилар» ҳаракати мамлакатнинг ўрта ғарбий қисмидан то Орион соҳилларигача юриш бошлаган, — дейди доктор Роуз Доулман. — Улар йўлда учраган ҳиндуларни отиб кетишар, худди бир-бирлари билан мусобақалашгандек.

ОДАМ ОВИ

Доулман хоним узоқ йиллар ҳиндулар ҳаёти, ўтмиши, афсоналарини ўрганди. Оқ танлиларнинг ов чоғидаги саргузаштларини, қадимий қўл ёзмаларни тўплади. Айниқса, бундан бир ярим аср илгари яшаган Билл Мэннинг кундалик битикларида «ҳиндулар ови» ҳақида ғаройиб эсдаликлар ёзилганди. Кундалик эсдаликларида ёзишилича, оқ танлилар кибитка — ёпиқ араваларда, ҳиндулар яшайдиган қишлоқлар оралаб овга чиқишар, учраганини нишонга оларди. Кўпинча овчилар ҳиндулар ўзаро қабила урушига «жанг майдонига» кетишганида ҳужум қилишар, бегуноҳ болалар ва қариялар, аёлларни қурбон этишаркан. Одатда улар шундай овлар олдидан довюраклик учун баданларини обдон қиздириб олишар, сўнгра ваҳшийликлар содир этишарди.

Бундай хатти-ҳаракатларини спорт тури деб билишарди, ким қанча «ер тишлатгани» билан мағрурланиб мақтанишарди.

Ҳар қандай ёвузликка инсон чора излайди. Топади. Ҳиндулар ҳам йиллар ўтган сари ҳушёрроқ бўп қолишди. Энди «одам овчи»лар ҳиндулар пистирмасига дуч келиб, аёвсиз зарбаларга дуч келишадиган бўлишди. Шундан сўнггина бу спорт тури аста-секин йўқолиб борди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Одатда танасига, қўлларига татуировка — ёзувлар, суратлар туширганларни кўп учратганмиз.

Айниқса, эркаклар кўпроқ севгилиси номини ёздириши русум ҳам бўлганди. Лекин қулоққа ёзув-битик битганларни кўрганмисиз?

Онда-сонда бўлса бўлгандир. Кейинги пайтларда Нью-Йорк ёки Лос-Анджелесдек катта шаҳарларда ҳар қадамда қулоғи «безалган» болаларга дуч келишингиз мумкин.

Айниқса, 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг қулоқ ёзувлари бизни ҳайратга солиши турган гап. Улар на «пари»лар сурати, исми ёки уларнинг ўз исм-шарифи. Ёзувларда яшаш жойи, ота-онаси, уйининг телефон рақами, ҳатто қанча вазнда туғилганлиги ҳам қайд этилгандир. Бир сўз билан айтганда қисқача таржимаи ҳоли десаям бўлаверади.

Ғалати-я! Жуда қизиқ, нимага керак экан?

Сабаби кўп эмиш. Бола уйидан қочиб кетса, кимдир ўғирласа, адашиб қолса асқотаркан. Аксарият ота-оналар «эрк истаб» қочадиган фарзандларини шу йўл билан ўзларига ипсиз боғларди-да.

Махсус татуировка-битикчалар 49 доллардан 95 долларгача болангизни «муҳрлаб» беради. Турган гап, болага бу ёқмайди, ёзаётгандаги азоб-оғриқни айтмайсизми? Начора! Фақат қулоққа эмас, қўл-оёқ, тананинг исталган қисмига битик туширилаверади.

Далласлик мусаввир-татуировкачи Пол Риэйнинг шу пайтгача таъкидлашича 10.000-20.000 болага шундай хизмат кўрсатибди. Унинг рафиқаси Мэри Мэрсон ўз қизи Синдининг қулоғига манзили, исми-шарифи, телефон рақами, кейин эса каттароқ қилиб «қайтарганга 5000 доллар суюнчи» деб ёздириб қўйди.

-Бошқа ишловчи аёллар сингари, қизим Синдининг ёнида камроқ бўламан, — дейди хотиржамгина «меҳрибон» она. — Мана, энди кўнглим тўқ. Қочиб кўрсин-чи?! Бу ёзув — 5000 доллар уни дарҳол «тутиб» келади-да...

Эҳ, бу Америка! Ҳали биз билмаган яна қандай қирралари бор экан-а? Нима бўлганда ҳам бу ота-оналарнинг ғалати «занжири» ўзларига буюрсин.

ҚУЛОҚДАГИ БИТИКЛАР

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Бироқ НҲТ жамоатчилик афкори ва эътиқодига таяниши лозим. Улар ҳатто заиф давлатларнинг танқис манбаларидир. Кўп давлатлар ўзининг жиловлаб туриш қудратини инсон ҳуқуқлари борасидаги НҲТнинг аъзоларига қарши ишлатиб, уларни янги қурбонлар қаторига қўшади.

Мустақил давлатлар ўз НҲТларининг кучи ва заифлигига деярли қарама-қарши қўйилади. Давлатлар ўз ташқи сиёсатида турли манфаатларни жамул-жам этиши лозим. Ташқи сиёсат ҳеч қачон инсон ҳуқуқларини рад этувчи ёки унга айнан монанд бўлиши мумкин эмас. Ундан ташқари, ташқи сиёсат ўз моҳиятига кўра миллий манфаатларни рўёбга оширишга қаратилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини камдан-кам ҳолларда модий ва сиёсий манфаатларидан устун қўяди. Бироқ давлатлар инсон ҳуқуқларини ўз олдига мақсад этиб қўйганда, улар одатда, НҲТлари эриша олмайдиган манбалар, таъсир доиралари ва ҳатто жамоатчилик афкорига таянади.

Давлатларнинг миллий ролини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Давлатлар, инсон ҳуқуқларини асосий поймол этувчи бўлишига қўшимча равишда ҳозирги дунё шароитида уларни ҳимоя этиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам асосий механизмдир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ниҳолий мақсади — миллий қонун ва жорий тажрибани ўзгартиришдир. Шу сабабдан халқаро арбоблар ва ташкилотларнинг ҳиссаси фуқаролар ўз ҳукуматларини уларнинг ҳуқуқларини ҳурматлаш йўлида олиб бораётган сиёсий курашга нисбатан деярли доим иккиламчидир. Бу соҳадаги халқаро фаолият жараённи жадаллаштириш инсон ҳуқуқларининг миллий ҳимоячиларига мадад бериш ва режимларни ўз фуқароларининг ҳуқуқларини янада кўпроқ ҳурматлашга қўмақлош бўлиши мумкин. Бироқ, пировардида фақат давлат миқёсилагина инсон ҳуқуқлари ўз тасдиғини топиши муқаррар.

Ниҳоятда, инсон ҳуқуқлари борасида давлатларга халқаро босим етказиш, бу соҳадаги арбоб ва ташкилотларнинг фақат ўқтин-ўқтин жалб этилиши ёки ҳаттоки аниқ ваколатга эга эмаслиги ҳақида фикр юритганда, юзаки ва устувор назар ташлаш ўринли эмас. Мисол учун, 1993 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена Умумжаҳон Конференцияси ўша пайт учун ўша шароитда тўпланган анжуман бўлиб, совуқ уруш даврилан кейинги дунёда инсон ҳуқуқларига халқаро диққатни қайта жалб этишга кўмакланди. Собиқ Югославия ва Руанда учун тузилган уруш жиноятлари трибуналлари шу шароит ташкилотлари бўлиб, инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро фаолият йўналишини шакллантиришга ёрдам беради. 1995 йили Пекинда тўпланган БМТ доирасидаги Аёлларнинг Тўртинчи Халқаро Конференцияси аёлларга тааллуқли муаммоларни инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро мунозаралар жараёнига яқиндан тушунтиришга уринди. «Одил бошқарув»га яқинда ургу берган Жаҳон Банки инсон ҳуқуқлари борасидаги муҳим масалаларга аралаша бошлади. Европа Кенгаши ва Европа уюшмаси «Европа»га қабул қилиш учун ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сиёсатларига аҳамият беради.

ХАЛҚАРО ҲИСОБОТ ТИЗИМИ

Мустақил давлатлар халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларини ўз ҳудудларида ҳаётга татбиқ этишда асосий масъулиятни ўз зиммасига олишига қарамай, улар мавҳум дипломатик сукут муҳофазасидан баҳраманд бўлолмайди. Аксинча, инсон ҳуқуқларини мунтазам равишда бузувчилар, тобора кўпроқ даражада, жамоатчилик ва хусусий гуруҳлар томонидан жалб этилган салбий халқаро афкор нурида иш юритишга мажбур бўлмоқда. Умумжаҳон минтақавий давлат ҳудудидаги ва давлатлараро миқёсдаги арбоб ва ташкилотлар шундай босим муҳитини яратишдики, давлатлар инсон ҳуқуқлари борасидаги ўз жорий тажрибаси хусусида жамоатчилик назаридан четда қолишининг деярли иложи йўқ.

Умумий эътирофга кўра, ҳисобот беришнинг аксарият жорий механизмлари асосан жамоатчилик муҳокамаси ва таҳлили қудратига таянади. Бироқ жиноятларни ошкора этиш қиймати ва давлатларни инсофга чақиришга уринишлари назар-писанд қилмаслик ярамайди. Ҳатто зулмкор ҳукуматлар ва узларининг халқаро обрў-эътибори ҳақида қайғуриши мумкин. Мисол учун, 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошида Аргентинанинг қабиҳ ҳарбий режими Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг текширувларига халақит бериш учун сезиларли дипломатик саъй-ҳаракатлар сарфлади. Ўтдан ташқари, ошкоралик ақалли равишда бир неча энг кўзга кўринган репрессия қурбонларига ёрдам беради.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

Турмуш сўқмоқларида

ҚАЕРДА?

нолойиқ аёл хусусида

лик бўлди.

Эндигина оналик ҳиссини, ғурурини туйиб, боламнинг келажагидан умидланиб юрганимда тўсатдан Назокат ҳақида хабар келди: «Боласини излаётганмиш»...

Буни эшитиб юрагим дукурлаб урди, биров кўксимдан бир чимдим этни узиб олгандай эди.

Эшитишимча, Назокат турмушга чиқмабди. Отинг ўчгур ўша «касби»ни этагидан маҳкам тутиб олганмиш. Бирни қўйиб, бирни кияр, худди бойваччалардек яшаётганмиш. Шундай экан, бола нимага керак бўп қопти унга?

Бежавоб саволлар куну тун қийнайверди мени. Боламга қараб бир қувонсам, онаси ёдимга тушса бир эзиламан.

— Келмас-ов. Келсаям қонун сиз томонда, ахир тилхат ёзиб бергану, — дейди дадаси вазмин хўрсиниб.

Онам бўлсалар: «Ер юткур болани нима қилармиш, керак бўяса туғволмайдими» дейдилар жонсараклик билан.

Оху нолам худога етиб Назокат қайтиб боласини дарақламади. Бу орада мен ҳам болани боғчага топшириб ишга чиқдим. Кунларимиз тинч, осойишта кечарди. Ўғлим шўх, ўтолов бола бўлди. Хатти-ҳаракатларидан, қилиқларидан гоҳ суюниб, гоҳ ранжиб юравердим.

... Рости, боламнинг етти ёшга кирганига ишонгиларим келмайди. Кеча эмасмиди бир парча этни жонимда асраганларим, митти юракчасининг дукурига қулоқ тутиб яшаб кетармикин, дея қайгурганларим, бари ўтди.

Сентябрь яқинлашаётган эди. Ўғлимнинг ками-кўстини бутлаш учун биргалашиб бозорга бордик. Савдо расталарини эринмай, айланиб, кўнгилдагидек буюмларни харид қилдик. Бозордан чиқиб, катта йўлдан кетаётсак, қаршимиздан бир аёл чиқди-ю, турган ерида мисоли хайкалдек қотиб қолди. Аввал танимадим, кейин онгимда «ярқ» этди-ю Назокат исми чақнади. Терс ўгирилдим-да боламни қўлидан маҳкам тутиб, жон ҳолатда таксига чопдим.

Машина йўлга тушганда Назокат ортимиздан тикилиб турарди.

Анча вақтгача ўзимга келолмай юрдим. Қон босимим ошиб кетган, икки чаккам лўқиллайди. Бунинг устига ўғлим савол беришдан чарчамайди.

— Ая, нимага ўша хотиндан қочдик, нима у бизнинг душманимизми?!

Яна бир куни...

Кечки овқатга уннаётгандим. Кўча эшикдан биров отимни айтиб чақирди. Оловни пасайтиб, дарвоза томон йўналдим. Эшикни очиб, кўзларимга ишонмадим. Ахир ўғлимнинг туққан онаси Назокат эди бу аёл. Охир кебсанда беюз!

— Келинг — дедим кўнглим хушламай.

— Келдим, — деди юзимга тик боқиб.

— Боламни қайтариб беринг, — деди у жиддий оҳангда.

— Ахир сиз боламдан кечдим, деб тилхат ёзиб берувдингиз.

— Униси билан ишим йўқ, ҳеч бўлмаса боламни бир кўрай, — ичкарига интилди Назокат.

Шу пайт ичкаридан болажоним югургилаб чиқиб қолмасинми?! Назокат уни маҳкам бағрига босди. Болам бир унга, бир менга мўлтираб турарди.

Ўша-ўша Назокат менга билдириб, билдирмай келадиган бўлди. Совға-салом билан боламнинг ақлини ўғрилаб қўйди.

Бугун Умиджонни мактабдан обкетгани борсам, ўртоқлари битта хотин билан кетди, дейишди...

Ёрдам беринг менга, ёрдам беринг. Боламни ўғрилашди.

Маъмура АБДУРАҲИМОВА, Фарғона вилояти.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 25 noyabr, sesanba № 138 (22.221).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

«ЎЙЛАТИБ ҚЎЙДИ МЕНИ...»

У — столнинг нарёғида оппоққина бўлиб, тим қора кўйлаги-ю тундек сочлари оқлигини таъкидлаган ҳолда ўтирган йигитнинг менга ҳамиша мулойим боқадиган кўй кўзларида ёт бир совуқлик пайдо бўлган эди.

— Шукур ака, сизни ҳурмат қиламан, ҳатто яхши кўраман. Ижодингизни ҳам... Аммо кейинги вақтларда ёзган айрим асарларингизда қаҳрамонлар кўп ичишади, чекишади. Гўёки ичкилик — улар учун бир катализатордек. Ҳатто қувонишлари, кулишлари ҳам шунга боғланиб кетади. Ахир, бу ҳол ичкиликни тарғиб қилишга оборомайдими?

— Бекор гап, — дедим. Ундан бу мулоҳазани кутмаган эдим, гарчи турқи ўзгараётганини сезиб турсам ҳам... Кейин: «Нима, бу реалистик адабиётнинг талабини тушунмайдими? — деб ўйладим ғижиниб. — Бунга етгунимча умрим охирлаб қолди-ку! Нима, мени дидактик асарлар ёзишга тортмоқчими?» Гапни кўпайтирмасдан илова қилдим: — Ҳаёт қандай бўлса, уни шундай ёзиш... лозим, укабой! Унга хиёнат қилмаслик керак. Мана, яқин йилларда Шўро мафкураси Ҳаётни борича тасвирлашни эмас, балки мавжуд Мафкурага мослаб тасвирлашни талаб этарди. Биз шунгаям чап бериб юрардик. Энди Мустақил бўлиб, очиқ гапириш, демак, ёзиш имкониятига эришдик. Қўйинг, ёзаверай... Сизга ёқмаса, бошқаларга ёқар. Умуман айтганда, бу масала — мен учун иккинчи даражали... Мен мазкур ҳаётдан олган маълумотим, факту таассуротларим асосида бир сюжет яратаман. Табиийки, уни маълум бир ғояга қураман. Асар охирида ўша Ғоя чиқса, муродимга етган бўламан...

— Ўша ғоянгиз яхшиликка, эзгуликка хизмат қиладими? — тап тортмай сўради у.

Менинг жаҳлим чиқди.

— Наҳотки сезмасангиз? Масал эмас-ку — ёзганларим. Чистон ҳам, топишмоқ ҳам эмас...

— Шукур ака, биламан, — деди бир қадар шошиб. — Билмай ўлибманми...

— Эса, унақа савол берманг.

— Саволдан мақсад — ана ўша Яхшилик, Эзгулик йўлида яратган асарларингизда қаҳрамонларнинг... Узр, қулоқ солинг, ака. Ахир, қаҳрамонларингизга тақлид қилувчилар чиқмайди, деб ким айта олади? Хўп, ўзингизни бу томон қизиқтирмас экан... Ахир, сиз энг яхши, олийжаноб туйғуларни ҳам ароққа қўшиб-қориштириб берасиз... Демак, ичимлик бўлмаса, ўша туйғулар юзага чиқмайди... Яъни улар ҳақиқий эмас. Шундайми? Шундай хулоса чиқадими-йўқми?

— Ҳим, сиз ичганмисиз?

— Ҳа. Бир замонлар...

1

Кейин ташлаб кетдим. Ҳозир ундан нафратланаман.

— Яхши. Сўпи бўпсиз-да?

— Майли, нима десангиз ҳам... Лекин мен инсонни абгор қиладиган, беобрў, шармисор қиладиган ичимликка қаршиман. Ичмасдан туриб ҳам эзгу, энг гўзал туйғуларни ҳис этиш мумкин. Ахир сиз ёшлигингизни эсланг... «Ўн саккизга кирмаган ким бор?»ни ёзган пайтларингизни. Ичкиликнинг «и» ҳарфи йўқ — ўшанда ёзган асарларингизда. Аммо туйғулар... гуркираб туради. Уларни табиат манзаралари, инсонлараро муносабатлардан — шуларнинг таъсиридан оласиз. Олгансиз...

— Замон ўзгарди, ука. Ҳозир ичмайдиган, чекмайдиган одамнинг ўзи кам қолди.

— Аксинча, ундан кечаётганлар кўпайиб бормоқда, — деди у сира иккиланмай. — Биз ахир, ахир, Исломни танидик, ўзимизнинг динимизни...

— А, мундоқ денг... Менинг «Исломий йўлда» ижод қилишимни истар экансизда?

— Ҳа-ҳа, — деди у бирдан ҳаяжонланиб. — Исломий йўлда... Агар шу йўлда ижод қилиб, Ислом нури билан асарларингизни ёритсангиз, шу нур сизга йўлчи юлдуз бўлса, Сиз энг яхши ёзувчилардан бирига айланасиз.

— Кечирасиз, эзгулик, яхшилик йўлида қилинадиган хизмат — Ислом йўлига тўғри келмайдими?

— Кулманг, ака. Киноядга ўрин йўқ... Тўғри келади, албатта. Аммо қаҳрамонларингизнинг хатти-ҳаракатларида денг... Сиз сўфийларга, сўфийлик тариқатларига, умуман, ўшалар фалсафасига қандай қарайсиз?

— М-менинг бу тўғридаги фикрларим ҳали уюшиб бўлгани йўқ. Бироқ уларнинг айрим қилиқлари — сўфийларнинг динга нисбатан, хусусан, шариат талабларига нисбатан қилган шаккокликларга менга маъқул эмас.

— Тушундим. Мутасаввуф йўлида ижод қилган, масалан, Навоий бобонинг, масалан, мана бу сатрларини қандай англайсиз, баҳолайсиз?

Зоҳид, санга хуру манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсин, манга майхона керак.

— Менга сингмайди бу гаплар, — деди у бошини эгиб. — Кейин, деганда, бобомиз «сўфийлар»ни тушунган бўлсалар керак. Ҳолбуки сўфийларнинг ўзи, айниқса, Нақшбандий ҳазратлари мавжуд олам гўзалликларидан баҳраманд бўлишни, «Ҳаққа етаман» деб ғорни-лаҳмни макон тутмасликни тарғиб этганлар... Навоий бобонинг бу ва шунга ўхшаш сатрларида бошқа маъно бўлса керак...

— Ҳа, — дедим мен. — Оламдаги барча гўзалликлар — ўз ҳолича гўзалмас. Балки Аллоҳнинг нури тушиб турганини учун гўзалдир, фараҳбахшдир. Бинобарин, ана шу гўзалликларни, жумладан, жононани севиш ҳам — Аллоҳни севишга яқинлаштириб боради. Ўшаларни севиш орқали...

— Бу — чин сўфийлар йўли.

— Балли.

— Ака, биз чалғиб кетдик... Мен, ниҳоят, сизга яратган қаҳрамонларингизнинг хатти-ҳаракатларига эҳтиёт бўлсангиз, улар, сўфийлар айтмиш, умуман, нормал инсон талабича ҳам, бор-мавжуд гўзалликлардан баҳра олиб яшаса... Ичкиликнинг кучи билан қалбаки ҳисларини уйғотиб ўтирмасдан...

— Хуллас, ичкиликка қаршисиз?

— Нафақат ичкиликка. Мен шунчаки мисол тариқасида айтувдим уни... Умуман, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам чин инсоний, чин мусулмоний жиҳатлар кўпроқ бўлса, улар ўзларининг бандa эканлари, Расули Акрамнинг уммати эканларини сезиб туришса, янада дангалини айтсам, тавҳид ғоясига суянган адабиётгина ҳақиқий адабиётдир. Қолгани ўткинчи... Қолаверса, нима бўлган тақдирда ҳам ахир, сиз мусулмонсиз-ку?

— Алҳамдулиллоҳ!

— Сиз ўзингиз, наҳотки, ўша катализаторнинг таъсирида завқлансангиз ҳаётдан? Боғингизни кўрдим. Раҳмат... Ҳар туп дарахт, гул ҳақида қанчалар қувониб сўзладингиз. Ўшанда ичкилик, умуман, бу тўғрида гап ҳам йўқ эди. — У қийналиб давом этди. — Сиз «реалистман» деб, қаҳрамонларингизни ўзингиздан ажратиб қўясиз: уларни Ҳаётдан шундоқ оласиз-у, кейин, табиий ишлаб-ўзгартириб... Хуллас, холис турасиз-да...

— Мен буни — «холис»ликни — ёзувчи учун биринчи шарт, деб билар эдим.

— Йўқ, ака Сиз — шу жамиятнинг, шу халқнинг фарзандисиз. Мусулмонсиз. Сиз шу жамиятнинг равнақи учун, инсонларнинг хулқодоби учун, комил инсон бўлишлари йўлида — масъул бир шахссиз...

— Ҳим. Сиз мен билан мунозара қилишга анча тайёргарлик кўрган экансиз-а?

— Йўқ, умуман... Агар сиз — сиз бўлмаганингизда, умуман, бу гаплар ҳам бўлмас эди...

— Раҳмат... Мен бир нарсага ишонаман, ука. Кўпинча одамларнинг айтгани қилиб турган ишларига тўғри... монанд келмайди... Сиз ёш шоирсиз, биламан. Қани, мана шу қарашларингиз... ижодингизда қандоқ акс этган экан?

— Мен ўз ижодимни пеш қилиб, бу гапларни айтаётганим йўқ. Мутлақо. Бир ўқувчингиз сифатида айтдим. Лекин маслаҳат важидан... — Кейин у менга иттифоқо илиққина, илгариги қарашларига яқин нигоҳ билан боқди. — Ўзим ҳам адашиб, туртилиб юрибман ижодда, ака. Менинг шеърларим ҳам — изланишлар, холос...

— Қани, беш-ўнта шеър беринг. Бир ўқиб кўрай. Минг эшитгандан бир кўрган афзал эмиш.

— Марҳамат.

— Эрта учрашамиз.

— Кутаман, ака.

Мен уйимга келиб, ишхонамга кириб, памил чойдан бир пиёла қуйиб, тағин иссиқоти сигаретдан бирини тутатиб, унинг шеърларини ўқий бошладим.

Мураккаб, мураккаб... Шарҳлаш, тушуниш учун бош қотирмадим: шеър даъфъатан тушунарли бўлиши керак. Ҳа, шеър ҳам — на масал, на топишмоқ...

Иттифоқо мана бу тўртликни ўқидим-у...

Оқни қорадан-да
ажратиб бўлмас.
Ажратиб бўлмайди
чинни риёдан.
Ва инсон ўлса ҳам
дунёга тўймас,
Айириб кўйсалар
динни дунёдан.

... ўқиб чиқдим-у: «Э, чўрт, — деганимни билмай қолдим. — Ҳа-ҳа, Худодан қўрқмайдиган кимса, унинг Борлиги, ҳар нарсани кўриб туришини (демак, динни) тан олмайдиган кимса одамлар кўзи олдида ўзини яхши кўрсатгани билан... панада ҳар ишни қилиши мумкин: ўғирликни ҳам, каззобликни ҳам, ваҳшийликни ҳам... Кейин яна ҳеч нарса кўрмаган-бўлмагандай одамларга аралашиб кетаверади... О фалак, у — риёкорку? Шу эмасми — «оқни қорадан ажратолмаслик?» Шу эмасми «дунё кетидан югуриб, муттаҳамлик-мунофиқлик ботқоғига ботиш?» ва кўз чаноғи тупроққа тўлганини билмай қолиш?

Шошма, бу йигит бу йўлга, йўқ: бу фикрларга қандай қилиб етиб келди?

Иккита шеърдан кейин яна шундай тўртлик мени «тутиб қолди»:

Мен иймон ҳукмини
истадим, аммо
Бирни жоҳил, бирни
ғафлатда кўрдим.
Инсонларнинг
шахсий фикрати аро
Ҳақни танигунча
шом бўлди умрим.

Ў, ярамас... Шу ёш йигитнинг «тавбаси»-я бу?! «Шом бўлди умрим». Тўғри, бу — бор гап, тўғрироғи, мавжуд ташбеҳ бу... Аммо нақадар ёпишиб тушган!

Худди мен билан мунозара қилаётган пайтидаги ҳолатида ёзгандек: ҳа-ҳа, шундай — «Ҳақни таниган» кишининг менга (қаҳрамонларим борасида сўзлар экан) ўшандоқ совуқ тикилишига ҳаққи борда... Лекин жуда унақа бўлиб кетмагандир-ё... Найинки суфиёна ёзилган, йўқ: ўшалар йўлида — усулида битилган ашъорлари бўлмаса?! Оламда, хусусан, Шарқ оламида шоир дегани борки, унинг албатта бирон-бир шеъри ҳам ўша йўлда ёзилган чиқади: — бу — қонун, бу — табиий ҳолдир...

Назаримда худди ўшандоқ шеърга дуч келдим (ҳам холисона битилган, ҳам азобли ҳисларга тўла):

Замон сенга боқмаса,
сен замонга боққайсан,
Умидлардан айрилиб,
бир хас каби оққайсан.
Ўз қурбингни кишанлаб
кетаркансан азобда,
Ҳар яхшига ёмон-у, ҳар
ёмонга ёққайсан.

Маладес! Дарди бор. Ўзига хослиги ҳам. Олмос сингари ҳеч қачон қадрини йўқотмайдиган ўзлиги, шоирлиги ҳам бор. Унинг тасаввур чизиқлари ҳаётнинг, яшашнинг мазмуни сари бормоқда. Ҳақиқий бахт, Еру-осмонларнинг яратувчисига ибодат қилишдагина эканлигига тушуниб етаётганлигининг ўзи шоирнинг мавқеи нақадар юксак бўлишидан нишона эмасми?

Яна ўқий-чи:

Аслида замонга эдикку фарзанд,
Кора кунларимда ўзни оқ тутдик.
Ишимиз бўлмади у билан қасддан,
У ўзга, биз ўзга байроқ тутдик.

Бу — биз ҳақимизда...

Ҳе, ҳумпар...»

Йўлакка чиқиб, «Оила ва жамият» газетаси таҳририятига қўнғироқ қилдим.

— Редакторингиз борми? Ҳа, Муҳаммад Исмоил... Эҳ, Муҳаммаджон? Менман... Ҳозир ишхонангизга бораман. Ҳа, кутинг. Гаплашамиз. Сиз мени ўйлатиб қўйдингиз-ку?

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,
Тошкент, 1997 йил.

ШАРҲЛОВЧИЛИК — КАТТА САНЪАТ

Бу бетинч, серташвиш дунё, бир турк қўшиқчиси уни «ёнар дунё» деб қўшиққа солибди. Аллоҳ, бу ёруғ дунёни гўзал этиб яратган-ку, аммо унинг осойишталигини бузиб, оби-оташга, уруш-ғовга маконига айлантирадиганлар кўнгли қора, ғаламис инсонлар. Бир кунда беқиёс оламда қанча-қанча ўзгаришлар, сиёсий тўнтаришлар, иқтисодий қийинчиликлар рўй бермайди дейсиз. Баъзан ойнаи жаҳон ёнида ўтириб жаҳон саҳнасида бўлаётган турли-туман воқеаларни кўриб, шарҳловчига кенг ўрин ажрата бошлади. Радиодаги «Халқаро кундалик», «Халқаро панорама», телевидениедаги «Оламда нима гап?», «Халқаро шарҳловчилар даврасида» сингари эшиттиришлар шулар жумласига киради. Ижоди газетамизда чархланиб борган Талъатжон радио ва телевидение эшиттиришларида ҳам фаол қатнаша бошлади. У 80-йиллардан бошлаб Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида сиёсий шарҳловчи лавозимида ишлай бошлади. Шу кунларда эса Талъат Солиев республика Телерадиокомпаниясида сиёсий шарҳловчилар гуруҳига раҳбарлик қилмоқда.

Шундай одамлар бор бўлсин

Талъат Солиев ута камтар, ўзига нисбатан талабчан, тиним билмай изланадиган, ўрганадиган, ижод қиладиган журналист. Мамлакатимизда қарор топган, мустақиллик туфайли янги қанот ёзган халқаро журналистикани ҳозирги кунда Талъат Солиевсиз тасаввур қилиш қийин. Унинг матбуотимиз саҳифаларида берилган шарҳлари, эълон қилинган мақолалари, радио ва телевидение орқали чиқишлари бунга асос бўла олади.

Маълумки, шарҳловчи учун оламни кезмоқ ширин орзу саналади. Ана шундай бахт Талъатжонга насиб қилди. У Осиё, Европа, Африка мамлакатларини кезди, океанлар ва денгизлар оша саёҳат этди. Шу сабабли унинг мамлакатлар ва эллар тўғрисидаги мақола, шарҳларида ўша юртларга, элларга бўлган яқинлик, ҳамнафаслик, иликлик доимо сезилиб туради.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлиги шарҳловчилар учун янги қўёш чиққандай бўлди. Халқаро журналистика учун янги уфқлар очилди. «Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташқи сиёсат соҳасидаги серқирра, жўшқин фаолияти, — деб ҳикоя қилади Талъат Солиев, — биз сиёсий шарҳловчилар ижоди учун янги, кенг имкониятлар очиб берди. Мамлакатимиз тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатини жаҳонга билдириш, унинг олий мақсадларини кенг ёйиш бизнинг муқаддас бурчимиздир».

Талъат Солиев шу кунларда мустақил юртимиз истиқболини кўзлаб, тер тўкиб меҳнат қилмоқда. Унинг эл томонидан эъзозланиши ана шу хизматлари мевасидир. Биз ҳам фидойи ижодкор, қалдирғоч сиёсий шарҳловчи Талъатжонга узоқ умр, эл-юрт хизматидаги фаолиятига янги парвозлар тилаймиз...

М. ҚОДИРЗОДА.

журналистларнинг сўзларини эшитиб, ёқангизни ушлайсиз. Чунки, сиёсий шарҳловчилик бу катта санъат. Буларни дейишимдан мақсад, ўзбек журналистикасида ҳам шарҳловчилар сафи кейинги йилларда анча кенгайиб бормоқда. Шуларнинг дастлабки қалдирғочларидан бири — Талъат Солиевдир. Яқиндагина ёш йигит эди. «Ўзбекистон овози» газетасида эндигина атак-чечак қилиб кичик лавҳа, мақолалар ёзиб юргани ёдимда. Ўтган даврлар ичида ўша ёш журналист етакчи газета даргоҳида тобланди, чиниқди, моҳир сиёсий шарҳловчи бўлиб етишди.

Маълумки, 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Талъат Солиевнинг халқаро мавзулардаги мақолалари, шарҳлари «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этила бошлади. Собиқ иттифоқ даврида халқаро масалаларнинг шарҳи кўпинча ТАСС орқали олинарди. Маҳаллий журналистлар бу соҳада мустақил фикр айта олмасди. Халқаро воқеалар тўғрисидаги хабарлар танқислигига, Москванинг бу соҳадаги ҳукмронлигига қарамай, Талъат Солиев газетани жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар, дунё муаммоларига бағишланган шарҳлари билан баҳоли қудрат таъминлаб турди. Шуни айтиш лозимки, ўқувчиларнинг халқаро воқеаларга қизиқиши катта эди. Республика газеталари штатида халқаро бўлим бўлмаса ҳам, бир амаллаб газетада халқаро ҳаёт бўлими ташкил этганмиз. Талъат Солиев ва Файзи Шоҳисмоиловлар ўша бўлимга мутасадди этиб тайинландилар.

Мен яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, биринчи бор Талъат Солиевга газетанинг «Халқаро шарҳловчиси» мақоми берилган. У шу маънода мамлакатимиздаги сиёсий шарҳловчиларнинг қалдирғочи саналади.

Маълумки, 70-йиллари радио ва телевидение ҳам халқаро ҳаёт воқеаларини ёритиш-

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

САНОАТ ВА САВДО КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси 1997 йил 25-28 ноябрь кунлари ҳар йили ўтказиладиган енгил саноат маҳсулотларининг 1998 йил учун кўргазма-савдосини ўтказади. Кўргазмада ип-газлама, шойи ҳамда гилам ва чинни буюмлар маҳсулотларига шартнома тузиш мумкин.

Кўргазма қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Д. Кўнаев кўчаси, 25.

Республика модалар маркази (мўлжал — «Россия» меҳмонхонаси).

Тел: 139-14-39, 139-10-46.

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ...

ТОШКЕНТ. Бу сатрлар ҳассос шоир Усмон Носирга хос эканини билиш қийин эмас. Куни кеча шоир таваллудининг 85 йиллигига бағишланган йиғин Тошкент Давлат дорилфунунида уюштирилди. Кечада Усмон Носирнинг синглиси Роҳатой ая, жиянлари Нодирахон ҳамда Марфуахонлар ҳамда журналистика тарихи кафедраси мудири Назира Абдуазизова, шоир номидаги матбаа техникуми директори муовини С. Зоидовлар ўз хотираларини баён этдилар.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО" предлагает:

Наименование продукции	Ед. измер.	Цена за 1 тн (сум)	№ телефонов
1. Уголок 100мм	тн	60500	480882
2. Уголок 160, 140мм	тн	58300	-"-
3. Периодический профиль д.12 мм.	тн	29300	480882
4. Трубы чугунные-водонапорные-65мм.	тн	50000	484766
5. Трубы чугунно-канализационные-159	шт	1800	-"-
6. Сетка "Рабица" 20х20мм.	кв.м.	250	484707
7.Сетка сварная (дорожная)150х150	тн.	договорная	-"-
8. Сетка просечно-вытяжная 30х15	кв.м	-"-	-"-
9. Электроды свароч. АНО-4 д. 4мм.	тн	192000	-"-
-"- МР-3д.4.	тн	220000	-"-
10. Крепежные изделия различных размеров	тн	договорная	-"-
из них: болты с/г 10х100мм	тн	108000	-"-
гайки свободные М10	тн	-"-	-"-
винты 5х45-50 и другие	тн	65000	-"-
заклепки стальные различные	тн	7269	-"-
11.Титановый прокат	тн	550000	-"-
12.Латунный порошок	тн	116000	-"-

Наш адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин — 136.